2006 ЙИЛ, 12 МАЙ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 90 (10.647)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Юртимизда меҳмон бўлиб турган Осиё Олимпия кенгаши вакиллари миллий қадриятимиз — ўзбек кураши билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Тошкентдаги «Дедеман» меҳмонхонасида бўлиб ўтган тақдимот маросимида Осиё Олимпия кенгаши вакиллари, Марказий Осиё давлатларининг Миллий Олимпия қўмиталари президентлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирда курашимизнинг халқаро қоидалари номдор полвонлар томонидан намойиш этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳайъатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори ижроси бўйича Давлат солиқ хизмати идоралари томонидан жорий йилнинг апрель ойида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

● Тошкент Давлат юридик институти ва Авлиё Климет Охридский номидаги София университети ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Бундан асосий мақсад ўзаро тажриба алмашиш, педагогика масалалари, библиографик ва маълумотнома адабиётларини айирбошлаш, долзарб муаммолар бўйича ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишдир.

● Навоийдаги «Қизилқумцемент» корхонаси жамоаси 15-мактаб кутубхонасига ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш мақсадида 1,2 миллион сўмлик дарсликларни харид қилди. Мактабнинг янги спорт залини жиҳозлаш учун эса 5 миллион сўмлик спорт анжомлари олинди.

● Тошкент тумани маданият ва спорт ишлари бўлими қошида очилган «Бўғирсоқ-С» болалар қўғирчоқ театри жамоаси ўз санъатини намойиш этиш мақсадида биринчи ижодий сафарга чиқди.

● «Орзу-ош тузи» масъулияти чекланган жамияти беш йилдан буён аҳолига сифатли, йодланган ош тузи етказиб бермоқда. Бу ерда маҳсулот таркибидаги калийли йод моддаси мавжудлигини аниқловчи «Йодочар» индикатори ҳам ишлаб чиқарилаётир. Куни кеча БМТнинг Халқаро болалар жамғармаси - ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси корхона билан ана шу индикаторни харид қилиш тўғрисида шартнома тузди.

● Бухородаги озиқ-овқат ва енгил саноат технология институти қошида «Талабаларнинг мода маркази» ташкил этилди. Бу ерда ёш модельерлар спорт ва иш кийимларини тикмоқдалар, шунингдек миллий аёллар кийимларининг замонавий моделларини яратмоқдалар. Ростов шаҳрида куни кеча якунланган халқаро танловда «Талабаларнинг мода маркази» томонидан тикилган костюмлар биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

● Ўзбекистон-Индонезия қўшма корхонаси «УЗИ-Жиззах» филиали саъй-ҳаракати билан шу йилнинг биринчи чорагида 23 та касалхона, 26 та мактаб, 7 та коллеж ва 26 та мактабгача таълим муассасалари телефонлаштирилди.

ЖАҲОНДА

● Россия БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича янги Кенгашининг аъзоси бўлди. Унинг таркибига шунингдек Хитой, Куба, Покистон ва Саудия Арабистони мамлакатлари ҳам кирди. Янги Кенгаш жорий йилнинг 19 июнидан эътиборан ўз фаолиятини бошлайди.

● Фаластин мухторияти молиявий инқироз ортидан ёқилғи танқислигига ҳам дуч келмоқда. Мухториятга нефть маҳсулотларини етказиб берувчи ягона Исроилнинг Dor Energy компанияси Фаластиннинг бу борадаги кундан кунга миқдори ошиб бораётган қарзи сабабли ёқилғи таъминотини узиб қўйган.

● Кеча Сахалинда Россия ва Япония қутқарувчилари ўртасида ўтказилаётган машқлар пайтида «МИ-14» вертолёти Охота дарёсига қулаб тушди. Вертолётнинг 13 нафар кишидан иборат барча экипаж аъзолари қутқарилиб ўз вақтида касалхонага ётқизилган бўлса-да, бир киши жароҳатнинг оғирлиги сабабли ҳаётдан кўз юмди.

● 9 май куни Эльбрус тоғи чўққисига чиқиш учун йўл олган Россия ва украиналик альпинистларнинг кучли совуқдан музлаб қолган 7 нафарининг жасади қутқарувчилар томонидан топилди. Ҳозирча яна тўртта альпинистнинг тақдири номаълумлигича қолмоқда.

● Ҳиндистоннинг Нью-Дели штатида ҳаво ҳарорати 42 дан 45 С° градусгача кўтарилди. Айрим ҳудудларда эса 50 градус С ° гача етди. Натижада бир ҳафта ичида тананинг сувсизланиши ва офтоб уриши натижасида 40 киши ҳаётдан кўз юмди. Шифокорлар сув ва электр қувватида узилишлар юз бераётган жойларда юқумли касалликларнинг тарқалишидан хавотирланмоқдалар. Мутахассисларнинг тахминларига кўра, Ҳиндистондаги бундай юқори ҳарорат май ойининг охиригача давом этади.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 13 май куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 14-16, кундузи 31-33 даража иссиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодиётнинг етакчи, энг аввало базавий тармоқларини модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш лойиҳалари амалга оширилишини таъминлаш, мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш, шунингдек самарали таркибий ва инвестициявий сиёсатни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Марказий банкининг устав сармояси 1,0 млрд. АҚШ доллари миқдорида бўлган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини (кейинги ўринларда - Жамғарма деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар белгилансин: Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилади ва юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади; 1-иловага мувофиқ субъектлар Жамғарма муассислари ҳисобланадилар.

3. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Жамғарма тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, бунда Жамғарма қуйидагиларни амалга ошириши зарурлиги назарда тутилсин:

давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан тижорат банклари, хорижий жамғарма ва инвесторлар ҳамда бошқа манфаатдор тузилмаларнинг молиявий маблағларини жамлаш;

иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва модернизация қилиш борасида устувор вазифаларни амалга ошириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ғоят муҳим лойиҳаларни молиялаштириш; стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган корхоналар, аввало иқтисодиётнинг базавий тармоқлари корхоналарини янгилаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини кредитлаш;

ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати, машинасозлик ва рангли металлургия тармоқларини техникавий қайта қуроллантиришга ҳамда ишлаб чиқариш суръатлари ва ҳажмларини оширишга йўналтирилган лойиҳалар молиялаштирилишини таъминлаш;

биринчи навбатда истиқболли, аммо етарлича ривожланмаган ҳудудларда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш бўйича ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли миллий давлат дастурлари ва лойиҳалари амалга оширилишини молиялаштириш;

республиканинг халқаро коммуникациялар тармоғига интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратадиган, халқаро транспорт йўлаклари ва жаҳон бозорларига энг қисқа йўл билан чиқишини таъминлайдиган транспорт ҳамда телекоммуникациялар инфратузилмасини модернизациялаш ва ривожлантиришни молиялаштириш;

халқаро молия институтлари, республика ва хорижий мамлакатларнинг кредит муассасалари билан лойиҳаларнинг қўшма молиялаштирилишини ташкил этишни таъминлаш.

4. Белгилансинки, Ўзбекистон ҳудудида ўзлари учун ғоят муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш (қўшма молиялаштириш)дан манфаатдор бўлган халқаро ва хорижий жамғармалар ҳамда инвесторлар Ҳукумат қарорларига биноан Жамғарма ҳаммуассислари сифатида қўшилиши, мазкур молия институтларининг вакиллари Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш таркибига киритилиши мумкин.

5. Қуйидагилар Жамғармани шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

стратегик ресурсларга жаҳон нархларининг қулай конъюнктураси натижасида, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлардан олинадиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан навбатдаги йилга Давлат бюджетини тасдиқлаш чоғида белгиланадиган айрим солиқ ва тўлов турлари бўйича ҳосил бўладиган қўшимча тушумлар;

Ҳукуматнинг хорижий валютадаги активларининг бир қисми;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий шериклар билан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимлари доирасида маҳсулотни сотишдан оладиган даромадлари;

давлат мулкини хорижий инвесторларга чет эл валютасига сотишда Давлат бюджети даромадлари режасидан ортиқча тушадиган маблағлар;

Жамғарма активларини бошқаришдан олинадиган инвестиция даромадлари;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушум ва даромадлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2006-2009 йиллар мобайнида Жамғарманинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ҳисобварағида Жамғарма активларини 1,0 млрд. АҚШ доллари миқдорида шакллантиришни таъминласин.

7. Белгилансинки, Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш Жамғарманинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Жамғармани бошқариш бўйича Кенгашнинг асосий вазифалари ва функциялари этиб белгилансин:

Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

Жамғармага маблағлар келиб тушиши ва улардан фойдаланиш прогнозларини кўриб чиқиш ҳамда уларни навбатдаги йилга мўлжалланган макроиқтисодий ва пул-кредит кўрсаткичлари, Давлат бюджети ҳамда Давлат инвестиция дастурининг асосий параметрлари билан боғлиқ ҳолда белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритиш;

қарз олган корхоналарни қайта молиялаштириш (қўшма молиялаштириш) учун тижорат банкларига Жамғарма маблағларини бериш муддатлари ва шартлари бўйича қарорлар қабул қилиш, халқаро сармоя бозорларида амал қилаётган фоиз ставкаларидан келиб чиқиб Жамғарма томонидан берилаётган маблағлар бўйича фоиз ставкаларининг аниқ миқдорларини тасдиқлаш;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, тижорат банкларига молиялаштиришни тўлиқ ва ўз вақтида очиш ҳамда тижорат банкларига берилган маблағларнинг қайтарилишини таъминлаш устидан назоратни амалга ошириш;

Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисида Жамғарма ижроия дирекциясининг ҳамда қарз олган корхоналар томонидан Жамғарма маблағларининг самарали фойдаланилишини таъминлашга қаратилган чора- тадбирлар тўғрисида манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб бориш.

8. Жамғарма солиқлар, йиғимлар, божларнинг барча турларидан ҳамда давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларидан озод қилинсин, ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва Иқтисодиёт вазирлиги бир ҳафта муддатда белгиланган тартибда Жамғарма фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор лойиҳасини тасдиқлаш учун киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 11 май

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИ БУГУНГИ КУНДА НАФАҚАТ ЁШЛАРНИНГ, БАЛКИ КАТТАЛАРНИНГ ҲАМ СЕВИМЛИ МАСКАНИГА АЙЛАНГАН.



Ушбу зиё масканида турли хил тадбирлар, учрашувлар ва ижодий кечаларнинг ўтказилиб турилиши анъанага айланган.

—Кутубхонамиз онг ва тафаккурни чархлайдиган, эзгуликка чорлайдиган муқаддас даргоҳ,—дейди унинг директори Фотима Бухорова.

Дарҳақиқат, яхшиликка ёндошмоқчи, руҳиятингизни енгиллаштириб, қалб дунёингизни бойитмоқчи бўлсангиз кутубхоналарга боринг ва китобга ошно бўлинг.

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонаси ходимлари янги китоблар билан танишишмоқда.

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИГИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЎРТАСИДА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА МИНТАҚАДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИНГ КАФОЛАТИ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

Президентимиз Ислом Каримов Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этганидан сўнг журналистлар билан учрашуви чоғида ана шу фикрни алоҳида таъкидлади. Маълумки, давлатимиз раҳбари бундан сал илгарироқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан тасдиқланган ушбу муҳим ҳужжатни ратификация қилиш ҳақидаги қонунни имзолаганди.

Кеча Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Президентининг 2005 йил ноябрь ойида Россияга расмий ташрифи чоғида икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақидаги Россия Федерал қонунига имзо чекди. Ушбу қонун яқинда Россия Федерациясининг Давлат Думаси ва Федерация Кенгаши томонидан тасдиқланган.

Бу жараёнларнинг барчаси, бир томондан, Ўзбекистон билан Россия ҳамкорлигининг ҳозирги юксак босқичини яққол намоён этган бўлса, иккинчи томондан, иттифоқчилик принципи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг асоси сифатида халқаро-ҳуқуқий даражада мустаҳкамланганидан далолатдир.

Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши билан мамлакатларимиз тарихида ҳамкорликнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйилди — Ўзбекистон ва Россия алоқалари суверен давлатлар ўртасидаги муносабатларга берилиши мумкин бўлган энг юқори мақомга эришди.

Бундай мақомга эга ҳужжат мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор имзоланган алоҳида эътиборга лойиқ. Ўзбекистон ва Россия давлатлари ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги, юксак поғонага кўтарилиши тасодифий ҳол эмас. Бошқача айтганда, мамлакатларимиз ўртасида муҳим аҳамият касб этиб келган ҳар томонлама алоқаларимиз ривожининг узвий давомидир.

Маълумки, 2004 йилнинг июнь ойида Тошкентда Ўзбекистон билан Россия ўртасида Стратегик шерикчилик тўғрисида шартнома имзоланганидан кейин бир йил ичида икки мамлакат раҳбарлари расмий ташрифлар ва турли халқаро тадбирлар доирасида ўн мартадан кўпроқ учрашди. Табиийки, икки томонлама бундай мунтазам сиёсий мулоқотлар Ўзбекистон ва Россия ўртасида азалдан мавжуд ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишончнинг янада мустаҳкамланишини таъмин этди.

Шу тариқа мамлакатларимизнинг ижтимоий-сиёсий, ҳарбий, савдо-иқтисодий ва таълим соҳалари бўйича алоқалари изчил кенгайиб борди. Ўтган йили Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатларига холис ва бегараз ёндашуви мисолида ҳам Россиянинг бугунги сиёсати аниқ ва равшанлиги, Ўзбекистон билан сиёсий позицияси муштарак экани яна бир бор ўз исботини топди.

Шартномани ратификация қилиш ҳақидаги қонун имзолангани ҳақида хабар тарқатган Россия оммавий ахборот воситалари Тошкент билан Москва ўртасида тасдиқланган бу муҳим ҳужжатнинг ратификация қилиниши Россия Федерацияси манфаатларига мос эканини алоҳида таъкидламоқда.

Мазкур Шартнома Ўзбекистоннинг ҳам миллий манфаатларига тўла жавоб беради. У, аввало, мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлашга ва дунёдаги энг нуфузли давлатлардан бири билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзолаш орқали Ўзбекистон манфаатлари кимнинг манфаатлари билан мос келишини ва ўз келажагимизни ким билан биргаликда яратишимизни яна бир бор аниқлаб олдик.

Шартномада хавфсизлик масалаларига алоҳида урғу берилгани бежиз эмас. Кейинги йилларда дунёда вужудга келган мураккаб вазиятда айрим сиёсий кучлар ва ташқи омиллар минтақамизга, жумладан, Ўзбекистонга ўз сиёсий таъсирини ўтказишга, бу ерда беқарорлик келтириб чиқаришга уринаётган бир пайтда шундай дадил ва оқилона қадам қўйилгани айни муддао бўлди.

Шартноманинг қамрови жуда кенг. У ҳарбий ва ҳарбий- техникавий ҳамкорлик, қуролли кучларни замонавийлаштириш ва ислоҳ қилиш йўналишлари билан чекланмайди. Унда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг бошқа жабҳалари ҳам ўз аксини топган. Савдо-иқтисодий муносабатлар, телекоммуникация, энергетика, суғурта, банк-молия соҳаларини ривожлантириш, халқаро транспорт инфратузилмаларидан ўзаро манфаатли асосларда фойдаланиш шулар жумласидандир.

Ўтган йил якунлари Россия Ўзбекистоннинг савдо соҳасидаги асосий шеригига айланганини кўрсатди. Мамлакатимиз ана шу даврда дунёнинг юздан ортиқ давлати билан савдо-сотиқ алоқаларини амалга оширган бўлишига қарамай, жами товар айланмасининг 21,7 фоизи Россия ҳиссасига тўғри келди. 2005 йилда юртимиздан ушбу мамлакатга экспорт ҳажми 41,6 фоиз кўпайди ва 1026,5 миллион долларга етди. Россиядан импорт ҳажми эса 12,7 фоизга ошди ва 1034 миллион долларни ташкил этди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига

ШАРҲ

Жорий йилнинг 11 майида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Бундай Жамғармани шакллантиришнинг зарурати нимага пайдо бўлди? Биринчидан, кейинги йилларда бозор ислоҳотларини амалга ошириш ва иқтисодиётни либераллаштириш натижасида мамлакатимиз иқтисодий тараққиётнинг юксак суръатларига эришди. 2005 йилда ялпи ички маҳсулот 7%, саноат ишлаб чиқариши -7,3 %, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш-17,7% кўпайди.

Иқтисодиётни тизимли ва изчил таркибий янгилаш, иқтисодий ўсишнинг локомотиви бўлиши лозим бўлган соҳалар, тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш истиқболли барқарор иқтисодий тараққиётнинг мустаҳкам пойдеворини яратмоқда.

Иккинчидан, республикада мамлакат фаровонлиги йўлида ҳали тўлиқ фойдаланилмаётган ғоят катта салоҳият мавжуд. Энг аввало бу Ўзбекистон эга бўлган минерал хомашёнинг бой заҳираларига тааллуқлидир.

Мамлакатимизда табиий газнинг умумий ресурслари 7,8 трлн.куб метрни, нефть ва конденсат ресурслари эса салкам 1 млн.тоннани ташкил этади. Айни чоғда республиканинг нефть ва газ мавжуд бўлган ҳудудларини ўрганиб чиқиш даражаси фақат 28,2% ни, истиқболли Устюрт ва Сурхондарё ҳудудлари бўйича эса атиги 7-8% ни ташкил қилади.

Умуман олганда, республикадаги фойдали қазилма ресурслари қарийб 11 трлн. АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда, шулардан қидириб топилганлари атиги 17% ни ташкил этади. Мамлакатимизнинг ер бағри углеводородлар билан бир қаторда мис, уран, фосфоритлар, нодир ва қимматбаҳо металларга бой. Республика мазкур салоҳиятни рўёбга чиқариш учун замонавий технологиялар асосида хомашёни қидириш, қазиб олиш ва қайта ишлаш учун кенг миқёсли инвестицияларга муҳтождир.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини таъминлаш, ўзбек товарларининг жаҳон бозорларига кириб боришини кенгайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш, айниқса истиқболли, аммо ҳозирги вақтда етарлича ривожланмаган ҳудудларда транспорт коммуникациялари, замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма жадал ривожлантирилишини тақозо этмоқдаки, буларсиз мазкур минтақаларга зарур инвестицияларни жалб этиш мушкул бўлади.

Тўртинчидан, мавжуд хомашё салоҳиятини комплекс равишда чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш ғоят муҳим вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон дунёда пахта етиштирувчи ва экспорт қилувчи энг катта давлатлардан бири эканлигини эътиборга олганда, тўқимачилик саноатини ўзига хос бир мисол сифатида келтириш мумкин. Пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш ҳисобининг ўзигагина тўқимачилик саноатига сарфланган ҳар бир долларга қўшимча равишда 7 долларлик маҳсулот олиш мумкин.

Бешинчидан, юксак технологияларни ривожлантириш ва уларни аввало ахборот-коммуникация соҳасида ишлаб чиқаришга амалда жорий этиш жиддий эътиборни талаб қилади. Бугунги кунда иқтисодиётнинг ҳеч бир тармоғи ишлаб чиқариш самарадорлигини янги даражага кўтариш ва маҳсулотнинг рақобатдошлигини оширишга ёрдам берувчи замонавий ахборот технологияларини қўлламасдан фаолият кўрсата олмайди.

Ва, албатта, ижтимоий аҳамиятга молик умуммиллий дастурлар ва лойиҳалар - Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш каби ва бошқа тадбирларни амалга ошириш алоҳида устувор йўналишлардан ҳисобланади. Уларнинг амалга оширилишини таъминлаш салмоқли инвестицияларни талаб этади. Ҳозирги дунёда инсон манфаати йўлида сармоя сарфлаш инвестициянинг энг самарали турларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган мана шу устувор вазифаларни амалга ошириш талайгина ресурсларни сафарбар қилишни, катта сармояга эга Жамғармани ташкил қилишни тақозо этади. Шу боисдан Жамғарманинг устав сармоясини 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида шакллантириш мўлжалланди.

Шуни қайд этиш керакки, иқтисодий салоҳият мустаҳкамланиши ва охирги йилларда стратегик вазифаларни ҳал этиш учун зарур ҳамда етарлича ресурслар жамланиши туфайли Жамғармани ташкил этишга имконият яратилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон энг аввало базавий тармоқларни ривожлантириш, модернизациялаш ва рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлашни инвестициялаш учун етарли ресурсларга эгадир. Жамғарманинг ташкил этилиши иқтисодиётни ривожлантиришда, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизациялаштиришда устувор вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган тармоқларни ривожлантириш учун зарур молиявий ресурсларни жамлаш имконини беради. Бунга, аввало, ёқилғи- энергетика комплекси, кимё саноати, машинасозлик, рангли металлургия, тўқимачилик саноати, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқлари киради.

Зарур молиявий ресурсларни ва самарали инвестиция лойиҳаларининг малакали экспертиза қилинишини таъминлай оладиган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва республиканинг энг катта тижорат банклари Жамғармани таъсис этувчилар ҳисобланади. Уларнинг орасида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака» банки, «Ўзсаноатқурилишбанк» ва бошқалар бор.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, Жамғарма Ўзбекистон ҳудудида ғоят муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш (қўшма молиялаштириш)дан манфаатдор бўлган халқаро ва хорижий жамғармалар ҳамда инвесторлари ҳаммуассислар сифатида жалб этиш учун очиқдир.

Жамғармага юклатилган вазифаларни амалга оширишни таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига уни таъсис этиш, ташкилий жиҳатдан барпо этиш, бошқарув органларини тузиш билан боғлиқ амалий масалаларни жуда қисқа муддатларда ҳал қилиш, Жамғарма тўғрисидаги Низомни тайёрлаш ва тасдиқлаш, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларнинг худди шундай жамғармалари фаолиятида тўпланган тажрибадан келиб чиққан ҳолда, зарур норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш топширилди.

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИГИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон табиий газ қазиб олиш бўйича МДҲда учинчи ўринда, дунё миқёсида эса газ қазиб олувчи 10 та йирик мамлакат сафида турибди. Шу маънода, мамлакатимизнинг Россия билан ёқилғи-энергетика мажмуидаги сармоявий ҳамкорлиги айниқса диққатга сазовордир. 2005 йилда Россия биздан 8,115 миллиард куб метр миқдорида газ сотиб олди. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Лукойл» ва «Газпром» очиқ акционерлик жамиятлари ўртасида имзоланган ҳужжатлар юртимиз нефть-газ саноатига 2,5 миллиард АҚШ доллари ҳажмида сармоя киритилишини кўзда тутади.

Куни кеча Санкт-Петербургдаги «Техноспецсталь Инжиниринг» компанияси билан Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ўртасида 2008 йилгача 30 дона ИЛ-114 самолёти етказиб бериш юзасидан битим имзоланди. Ушбу битим Ўзбекистонга катта иқтисодий-молиявий ютуқ келтириши табиий. Шуни ҳам айтиш ўринлики, ҳозирга қадар Россиянинг Ҳарбий-денгиз кучларида ва «Выборг» авиакомпаниясида дунёдаги бешта йирик авиазаводдан бири ҳисобланувчи Тошкент авиасозлик корхонасида ишлаб чиқарилган бир нечта шундай русумдаги самолётдан самарали фойдаланилмоқда.

Таълим, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка келсак, бугунги кунда Россиянинг иқтисодиёт, сервис, тиббиёт, бошқарув, лингвистика, педагогика, қишлоқ хўжалиги, информатика ва яни саноат технологиялари соҳаларида мутахассислар тайёрлайдиган ўнлаб олий ўқув юртлари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Тошкентда Г.Плеханов номидаги академия филиали фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, жорий йил сентябрь ойидан М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиали ҳам юқори малакали мутахассислар тайёрлашга киришади.

Ҳозир Россияда 6 мингга яқин ўзбекистонлик талаба таҳсил олмоқда. Келгусида бу рақам бир неча баробар ортади. Чунки Ўзбекистоннинг Россия билан Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзолагани, шунингдек, Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамиятига аъзо бўлгани муносабати билан келгусида олий ўқув юртларини тамомлаганлик ҳақидаги дипломларни нострификация қилиш ва умумий таълим муҳитини шакллантириш тўғрисидаги икки томонлама шартноманинг амалга оширилиши бу жараённи ривожлантиришга кўмаклашади.

Россия таълим тузилмалари Ўзбекистон билан алоқаларнинг кенгайишидан манфаатдор. Ҳамкорларимизнинг фикрича, юртимиз олий таълим муассасаларининг муваффақияти нафақат кадрлар тайёрлашда, балки жиддий илмий-тадқиқотлар ўтказиш, муҳандислик-техника соҳасида изланишлар борасидаги ютуқларда ҳам кўзга ташланмоқда. Шунинг учун тажриба алмашиш, ҳамкорликда изланишлар олиб бориш иккала томонга ҳам фойда бериши аниқ.

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги дастурий маърузасида давлатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини ҳаётга татбиқ этиш учун ҳар бир масалага миллий манфаатларимиз ва мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ёндашмоқ зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди. Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши мамлакатимиз ташқи сиёсатида ана шу принципга қатъий амал қилинаётганини яққол исботлаб турибди.

Ушбу Шартнома, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, икки мамлакат томонидан узоқни ўйлаб қўйилган жиддий қадам бўлиб, тинч ва осойишта ҳаётимизни кафолатлайди, келажакка ишонч билан қарашимизни таъминлайди. Айни чоғда, у минтақада барқарорликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, ҳар хил бало-қазоларга барҳам бериш йўлидаги муҳим омил ҳамдир.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси

ФАХРИЙЛАР ҲАМИША ФАХРИМИЗ

КУНИ КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МАРКАЗИЙ ОФИЦЕРЛАР УЙИДА ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.



Албатта, Ватан тинчлигини сақлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш, турли тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш, барча ўта муҳим иқтисодий объектларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш — олий бурч эканлигини Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида теран англашади. Инсон қандай яшаганлигини у улғайтирган шогирдлари, эзгу ишларида кўрасиз. Ёшларни, шогирдларини маънан қўллаб-қувватлаб, уларни Ватан корига ярашида, халқ юкига елка тутишга қодир инсон бўлиб етишишида фахрийларимизнинг ўрни беқиёсдир. Шундай қутлуғ кунда хайрли ишларни амалга оширган, бир тизимда ёнма-ён фаолият кўрсатган қадрдон ҳамкасблар, халқимизнинг том маънодаги нажоткорлари, устозлар тўкин дастурхон атрофида жамланиб, ўтганларнинг пок руҳларини ёд этишди. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги раҳбарияти ташаббуси билан ўтказилган тадбирда Фуқаро мудофааси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида узоқ йиллар хизмат қилган 200 га яқин фахрийлар ва офицерлар иштирок этдилар. Дарҳақиқат, ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлаш бизнинг фарзимиз бўлиши билан бирга авлодлар олдидаги қарзимиз ҳамдир. Фахрий ҳамкасбларимизнинг хотиралари билан ўртоқлашиш бизни ўтмиш билан яқинлаштиради. Хотирадек муқаддас туйғу натижасида пайдо бўладиган руҳий қувват эса инсонни синовлари бисёр бу дунёда янада бардошли этади. Тадбир давомида фавқулодда вазиятларнинг олдини олишда, фуқаро муҳофазаси тажрибаси, кўникмаларининг ҳосил бўлишида мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторида фавқулодда вазиятларни талофатсиз ўтказиб юборишда даражасига етишида жонбозлик кўрсатган офицерларнинг хотиралари ёдга олинди.

Хусниёхон ТОЖИБОЕВА

Маҳалланг — ота-онанг

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ, «ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ВА «ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНЛАРГА МУВОФИҚ АЙНИ КУНЛАРДА ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЭРКИНЛАШТИРИШ ОМИЛИ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИГА САЙЛОВ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

МУНОСИБЛАР САЙЛАНМОҚДА




Ушбу сайлов жараёни жойларда очиқ, ошкора ва демократик тамойилларга тўлиқ мос ҳолда бўлиб ўтмоқдаки, бу албатта фуқароларимизнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига онгли, фаол муносабатда эканидан далолатдир. Куни кеча Шайхонтоҳур туманидаги «Самарқанд дарвоза» маҳалласида ҳам ана шундай ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Дастлаб ўтган 2,5 йил ичида қилинган ишлар юзасидан маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зуҳурилла Самиғжоновнинг ҳисоботи тингланди. Маҳалла оқсоқоли маҳалладошлар эътиборига икки ярим йил мобайнида бажарилган ишларнинг асосийлари ҳақида батафсил сўзлади. Жумладан энг муҳими, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам пуллари ажратилгани, Мустақиллик, Наврўз, Хотира ва Қадрлаш куни, Янги йил байрамларида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилгани, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлар, қаровчиси йўқ кексалар, муҳтож оилаларга имкон борича беминнат ёрдам кўрсатилаётгани ҳақида тўхталди. Энг асосийси янги, ҳамма шароитлар яратилган маҳалла идораси, милиция таянч пункти, 14-оилавий поликлиника, маҳалла аҳлининг иш билан таъминланишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган «Мурувват текс» қўшма корхонасининг ишга тушгани, Президентимиз Ислом Каримовнинг маҳаллага ташрифи, халқимиз манфаати, унинг яхши яшаши, фаровонлиги йўлидаги хайрли юмушлар кўнглини тоғдек кўтаргани ҳақида фахр билан сўзлади.

Шундан сўнг тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди. Йиғилиш қатнашчилари иккала ҳисоботни ҳам қониқарли деб топганларини сўзга чиқиб таклиф ва истакларини билдирган вақтларида айтиб ўтдилар.

Маҳалла оқсоқоллигига учта номзод кўрсатилган бўлсада очиқ овоз бериш орқали шу маҳаллага бошчилик қилиб келаётган Зуҳурулла Самиғжоновнинг номзоди кўпчилик овоз олиб, у маҳалла оқсоқоллигига қайта сайланди.

Янги сайланган оқсоқол ўзига билдирилган ишонч учун маҳалладошларига миннатдорчилик билдирар экан, келгусида маҳаллада ёшлар учун спорт майдончасини қуришга, ободончилик юмушларини янада давом эттиришга, маҳалла кўчаларидаги электр чироқларини тузатиш ва яроқсизларини янгилашга, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олишга, аҳолининг аҳиллиги, жипслигини мустаҳкамлашга ваъда берди.



Шундан сўнг оқсоқол маслаҳатчилари ва тафтиш комиссияси аъзолари ҳам сайланди.

***

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДАГИ БОБУР НОМИДАГИ МАҲАЛЛАДА ҲАМ ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИНИНГ ҲИСОБОТ САЙЛОВ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Йиғилишни сайлов комиссиясининг ишчи гуруҳи аъзоси Ғулом Йўлдошев олиб борди. Кун тартибига асосан беш кишидан иборат йиғилиш раёсати аъзолари сайланди. Шундан сўнг Бобур номидаги маҳаллада ўтган давр мобайнида қилинган ишлар бўйича маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шермат Одиловнинг ҳисоботи тингланди.

Ўтган давр ичида маҳаллада давлатимиз раҳбари ва ҳукуматнинг Фармону қарорлари ўрганилиб, ҳаётга кенг татбиқ этилган. Бугунги кунда маҳаллада турли миллат вакилларидан иборат 5700 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Фуқаролар йиғини томонидан ободонлаштириш, коммунал хизматлар, вояга етмаган ёшлар билан ишлаш сингари масалаларга кенг эътибор қаратилиб, бу борадаги муаммолар ўз вақтида ҳал қилиниб келинмоқда. Жумладан, ҳисобот даври мобайнида маҳалла идораси қайта таъмирланди, кўп қаватли уйлар атрофларига янгитдан асфальт ётқизилди, йўлаклар тартибга келтирилди, ноқонуний қурилган бинолар бузиб ташланди. Бундан ташқари, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масалалари ўз вақтида ҳал этиб келинмоқда.

Йиғилишда узоқ йиллар мобайнида шу масканда истиқомат қилаётган фуқаролар ҳам сўзга чиқиб, маҳалладаги ютуқлар билан бирга мавжуд муаммолар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Жумладан, маҳаллада болалар спорт майдончасини ташкил қилиш, айрим уйлардаги ишламаётган лифтларни таъмирлаш, маҳаллани ободонлаштиришга яна ҳам эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилиш давомида сайлов комиссиясининг ишчи гуруҳи томонидан тасдиқланган маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасига иккита номзод — Шермат Одилов ва Рустам Ҳайдаров кўрсатилди.

Ошкоралик ва демократия тарзида ўтган сайлов жараёнида энг кўп овозга эга бўлган Шермат Одилов Бобур номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раислигига яна қайта сайланди. Шундан сўнг маҳалла фуқаролар йиғини раисининг беш кишидан иборат маслаҳатчилари ҳам бир овоздан сайланди.

— Бугунги сайлов жуда қизғин ва ошкора тарзда ўтганлигидан хурсандмиз,— дейди маҳалла фуқароси Нурулла Даминов.— Илгари маҳалла оқсоқоли юқоридан тайинланарди. Мана энди уни ўзимиз танлаб, ошкора сайлаш ҳуқуқига эга бўлдик. Буни албатта, Мустақиллик шарофатидан деб биламан. Шермат ака маҳалламизга кўп йиллардан буён оқсоқол бўлиб, аҳоли дарди, қувончу ташвиши билан тиниб-тинчимайди. Маҳалладаги мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал қилишга киришадиган жонкуяр инсон. Шу боис Шермат Одиловни қайта сайлашга қарор қилдик.

Шоира МУҲАМЕДОВА,
Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: «Самарқанд дарвоза» маҳалласида бўлиб ўтган сайловдан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Ўз-ўзи ўргатиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Донолардан бири айтади:

— Ёмон кишилар билан улфат бўлишдан қочгин. Одамнинг табиати ўғридир. У яхши кишилар билан суҳбатдош бўлганда яхши хислатлардан баҳраманд бўлгани каби, ёмонлар билан улфат бўлганда ҳам улардан озгина бўлса-да ёмон хислат ўғирлаб олади.

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

ҲИКМАТ. Дўст шундай кишики, у ҳеч қачон ўз дўстидан нарсасини аямайди. Мол учун хасис ва бахил бўлган кишидан дўстлик кутиб бўлмайди. Маснавий:

Ҳар ким ўз нафсининг бўлса дилбанди,
Ёмон деган номга бўлғуси банди.
Агар одам бўлсанг дунёда оқил,
Умрингни муҳаббат йўлида сарф қил.
Ҳар ишда айлагин фикру андеша,
Яхши одатларни айлагин пеша.
Бировга ҳеч қачон ёмонлик қилма,
Ахир сен одамсан, чаёнлик қилма.
Гулни хордан кутқар, хорни баргдан,
Омон бўлгунг шунда хорлигу маргдан.
Душманинг дилини исит, қилма хор,
Дўстни айлантирма душманга зинҳор,
Яхшилик душманни қайтарур йўлдан,
Ёмонлик дўстларни чиқарур қўлдан.
Дўстларнинг миқдори юз
минг бўлса ҳам.
Амал асосини гар қўйсалар фароғатга,
Фароғат эшиги кўнгул юзига очиладир.

ОРАЗИЙ

Ўз қадрини билмаган киши ўзгалар қадрини билмайди. Байт:

Ўз қадрини билмаган киши,
Ўзга қадрин билмас ҳеч қачон.
Шакар, ҳанзал фарқин билмаган,
Шакар дейди ҳанзал кўрган он!
Зилол сувни кўрмаган киши,
Мақтаб ичар кўлмакни шодон!

Муниддин ЖУВАЙНИЙ

Кимки санинг айбингни айтур санга,
Шафқат ила лутфу карам қил анга.

ПОШШОХЎЖА

Қаердаки одамнинг қадри бўлмаса, сўзламай жим ўтиргани маъқул!

«Махзан ал-улум»

Етишни жазм этиб ҳар ишда
бўлсанг бўл сабот ила,
Агарда қилмасанг ҳар
ишингни эҳтиёт ила,
Қачон юз бергай, ўғлум,
бу жаҳонда шоду хандонлик.

ОРАЗИЙ

Арасту ҳаким айтади: «Улуғликка эришмоқ ғоятда қийин, аммо хорлик ва забунликка тушиб қолиш жуда осон. Одамларнинг айбини қидириб юрган киши улуғлик даражасига эришолмайди!

«ФАВОҚИҲ ал-жуласо»

Қишни кўрмаган булбул баҳор қадрини билмайди.

«ОТАЛАР сўзи»

Буқрот сўзи: «Элдан уялмаган кишининг эл олдида қадри бўлмайди».

Батлимус сўзи: «Хушбахт шундай кишики, у ўзгаларнинг феълу ҳаракатидан ибрат олади. Бадбахт шундай кишики, унинг аҳволидан бошқалар ибрат олади!»

«Махзан ал-улум»

Оғир тош ердан минг азоб билан кўтариб олинади, уни ташлаб юбориш эса жуда осон, ўсиб мартабага эришиш худди тош кўтаришга ўхшайди. Мартабадн тушиш эса тошни ташлаб юборишдек гап.

ЮСУФИЙ

Мажлисда: «Бу ердан тур», демаслари учун жойингни билиб ўтир.

Шараф наслу насаб билан эмас, фазлу адаб билан топилади.

Суви йўқ анҳорнинг қадри йўқ.

«ОТАЛАР сўзи»

ҲИКМАТ. Ой нурли бўлса ҳам, ҳар куни кўринаверганидан қадрсиздир.

ХУРРАМИЙ

ҲИКМАТ: Агар обрўйим ошсин десанг амалга шундай кишини тайинлаки, у ҳеч қачон соткинлик қилишга журъат этмасин! Байт:

Обрўйим зиёда бўлсин десанг сен,
Содиқ кишиларга иш буюр ҳар доим!
Ҳар кимса ишонса ўзбилармонга,
Эл аро шарафи кетиб бўлар кам!

Муниддин ЖУВАЙНИЙ

Тиларман доимо бедор аниким,
Саодат доимо бедор яхши.

Ҳофиз ХОРАЗМИЙ

Одам нима билан равнақ топса, ўшанга ёпишади.

Бола уйнинг зийнати.
Инсон номи ўлмай яшайди такрор,
Ортидан фарзанди қолганда ёдгор!

Юксалиш қийин, пастлаш осон, негаки оғир тошни кўтариш қийин, ташлаб юбориш осондир!

Бахт,давлат қаерда бўлса,
унга бўйин бер, яраш,
Агар бахтга эришсанг, қайғу
билан кураш.
Юсуф Хос ҲОЖИБ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

БОР БЎЛ, ТАБИАТ

Инсон учун дунёда энг оғир фожеа — ўлим. Айниқса фарзандинг авжи етилиб, қўлидан иш келадиган вақтда оламдан ўтса борми, илло бунисидан асрасин. Бу ота-она учун унутилмас мусибат. На иложки, инсон бор экан эртами, кечми барибир ўлимга юз тутади. Ҳаётнинг бу қонунини ҳеч ким четлаб ўтолмайди. Биров ёш, биров ёшини яшаб, бу ёруғ дунёни тарк этади.

Қадрдонимиз орасида балиқ овлаш ишқибозлари ҳам топилди. Кимдир ўзи билан олиб келган қармоғини сувга ташлади. Бир зумда ҳаммамизнинг диққатимиз қармоқ томон қаратилди. Ўзимиз билан ўзимиз овора бўлиб қолдик. Бир вақт эслаб Ҳайдарали томон қарасам, у қозон тепасида ошпазимиз Собиржон билан очилиб-сочилиб гурунг қуриб турибди. Ошноларимизни ўша томон ишора қилдик. Шунда кимдир:

— Табиат шунақада. Бекорга уни она-

Қадрдонимиз балиқ ушлаш ишқибозлари ҳам топилди. Кимдир ўзи билан олиб келган қармоғини сувга ташлади. Бир зумда ҳаммамизнинг диққатимиз қармоқ томон қаратилди. Ўзимиз билан ўзимиз овора бўлиб қолдик. Бир вақт эслаб Ҳайдарали томон қарасам, у қозон тепасида ошпазимиз Собиржон билан очилиб-сочилиб гурунг қуриб турибди. Ошноларимизни ўша томон ишора қилдик. Шунда кимдир:

— Табиат шунақада. Бекорга уни онага тенглаштирмайдилар. Ҳар қандай одамнинг ғуборини ёзиб, қулф дилини очиб юборади, — деди.

Бирдан қармоқ томонда бақириқ-чақириқ бўлиб қолди. Бир зумда уни сувдан тортиб олдик. Учига каттагина балиқ илинибди. Кечгача ана шунақа балиқлардан беш-олтитасини овладик. Кечки таомга балиқ шўрва қиладиган бўлдик. Балиқ тозалаш майда иш эмасми, ҳаммамизга юмуш етарли. Ҳайдарали ҳам бу «умумишдан» четда қолмади. Биз ошнолар зимдан уни кузатамиз. Дўстимиз чеҳра очиб, ғам-ғуссани унутиб, биз билан баравар суҳбат қуриб ўтирарди. Ана шунда дўстлар тафти, табиат сеҳрига яна бир бор тан бердик.

Дам олишдаги уч кунимиз мана шу зайлда хушчақчақлик билан ўтди. Бу кунлар ичида Ҳайдарали ҳам анча ўзига келиб қолди. У сафардан ҳамма билан бирдек хушчақчақ қайтди.

ҲАММА НАРСАНИНГ УВОЛИ БОР

Яқинда ўн ёшли набирам каттагина ўрик шохини аранг кўтариб уйга кирди. Қарасам шох тўла ғуж-ғуж довучча. Улар орасида ранг кириб қолганлари ҳам бор.

— Бу нима? — сўрадим набирамдан.

— Кўрмаяпсизми бобо, довуччаку.

— Дарахт шохларини ким синдиряпти десам, бу сенинг ишинг эканда. Нега синдирасан дарахт шохларини?

— Бизникини мен синдирмайман. Эркин синдиради. Мен уларникини синдирдим.

— Нега синдирасан? Ахир ғўралар уволку. Улар пишганда қанча ўрик бўларди.

— Бировники бўлгандан кейин сизга барибир эмасми бобо. Ўриги пишганда Эркинла бизга бермайдику.

— Билиб қўй, бўтам, — дедим шунда набирамга уқтириб. Уларнинг ўригини биз емасак бошқалар ейди. Кўпда бўлса эл тўяди. Энди тушундингми?

Набирамга гапиряпману, беихтиёр ёшлик чоғимда ўзим билан ҳам худди шундай воқеа бўлиб ўтганини эслайман. Ўшанда отам бу қилмишимни қоралаб қулоғимни чўзиб қўйганди. Мен эса иккинчи бундай адабсизлик қилмасликка сўз бергандим. Ўшандан бери қанча сувлар оқиб ўтди. Лекин отам қилган насиҳат сира ёдимдан чиқмайди. Ёшлик бебошлик қилиб шўх, ўйинқароқ болалар томонидан синдирилган бўлиқ дарахт шохларини ва улардаги ҳали пишиб улгурмаган ғўра меваларни кўрсам ич-ичимдан ачиниб кетаман.

СОҒЛИҚ КУШАНДАСИ

Ҳаёт ширин, умр—азиз. Уни соғломлик, тинчлик-хотиржамлик, меҳнат ва хушчақчақлик билан ўтказиш ҳар биримиз учун катта бахт. Шундай фаровон турмушимиз гаштини билмаган баъзи одамлар ичкиликка ружу қўядилар. Натижада бу оғу уларнинг соғлиқларини кетказиб, меҳнат қобилиятини йўқотади. Кўплаб оилаларни барбод этади. Баъзан эса ичкилик ишқибозларини телбалик касалига мубтало этади. Шунинг учун ҳам халқимиз ичкиликни «Умр заволи», «Ҳаёт оғуси» деб бежиз айтмайди. Бекорга ҳам ибн Сино «Шароб — заҳарларнинг биридир» деган сўзни айтмаган. Бунга ҳаётда истаганча мисоллар келтириш мумкин. Биз эса бу ўринда минг бор такрорланган мисолларга мурожаат қилиб ўтирмай, юқоридаги қисқа гапдан хулоса чиқаришни ҳар кимнинг ўз ихтиёрига ҳавола этиб қўя қолдик.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ-КОММУНАЛ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2006-2007 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

КУНДУЗГИ БЎЛИМ: (9-синф базасида)

Сув таъминоти ва канализация тизимлари жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш. *«ВС» тоифали автомобиль ҳайдовчиси.*

Газ таъминоти тизимлари жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш. *«ВС» тоифали автомобиль ҳайдовчиси.*

Курилиш дурадгорлиги ва паркет ишлари. *Қурилиш дурадгори, пол ва паркет ишлари устаси.*

Турар жой ва жамоат биноларини давлат рўйхатидан ўтказиш, фойдаланиш. *Кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш ва баҳолаш инспектори. Турар жой ва жамоат биноларидан фойдаланиш бўйича техник.*

Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш. *«ВС» тоифали автомобиль ҳайдовчиси.*

Молия. *Бюджет ташкилотлари ва корхоналари молиячиси.*

Бухгалтерия ҳисоби. *Бюджет ташкилотлари ва корхоналари бухгалтери.*

Компьютер графикаси. *Компьютер графикаси бўйича дизайнер, ЭҲМ оператори.*

Техник-архитектор

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА: (11-синф базасида)

Газ таъминоти ускуналаридан фойдаланиш.

Сув таъминоти, оқава сувлар тармоқлари ускуналарини йиғиш ва улардан фойдаланиш.

Қурилиш ишлари.

Бухгалтерия ҳисоби. *Бюджет ташкилотлари ва корхоналари бухгалтери.*

Бошқарув иқтисодиёти.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. *Коллеж директори номига ариза.*
2. *Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.*
3. *0-86/У кўринишидаги тиббиёт маълумотномаси.*
4. *3х4 ўлчамдаги 6 дона фотосурат.*
5. *Турар жойидан маълумотнома.*
6. *Туғилганлик гувоҳномаси ёки паспорт нусхаси.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, М.Уйғур кўчаси, 485-уй. Тел: 397-79-32, 397-61-97. 20, 53, 35, 46, 87-автобусларнинг Оқтепа» бекати.

Мунажжим башорати

13 МАЙ, ШАНБА

НИСБАТАН ОСОЙИШТА ВА ЁҚИМЛИ КУНЛАРДАН БИРИ. МУНАЖЖИМЛАР ТАЪКИДИГА КЎРА, БУГУН ҲУҚУҚШУНОСЛАР, БООБРЎ КИШИЛАРГА КЎМАК СЎРАБ МУРОЖААТ ЭТИШ, ШАРТНОМАЛАРНИ ИМЗОЛАШ ҲАМДА ЯНГИ ИШГА ЖОЙЛАШИШ ХАЙРЛИ БЎЛАДИ.

Ой сайёрасининг ҳаракат мароми (ритми) шу куни ижодкорлар учун омадли бўлади. Санъат билан, зеб-зийнатларни ясаш, мусиқа, диққатни бир нуқтага жамлаш, мушоҳада юритиш билан машғул бўлиш самарали кечади. Ичидан хотиржамликка, қалб осойишталигига интилиш керак. Бақир-чақир, тажовузкорлик, кўпол муомалага бугун мутлақо ўрин бўлмаслиги керак.

Бу кеча кўрган тушларингиз ёрқин, эсда қоладиган ва такрорланувчи тушлар бўлса, башоратли ҳисобланади. Лекин улар ҳар бир одамнинг ўзига қараб, индивидуал таъбир қилинади.

Жигар, суяк тизими ва умуртқа ва поғонаси бугун хасталикларга мойил бўлади. Стоматолог ҳузурига ташрифни бошқа кунга қолдиринг.

14 МАЙ, ЯКШАНБА

ЮЛДУЗЛАР ЖОЙЛАШИШИ БУГУН ЯХШИЛАБ ДАМ ОЛИШИНГИЗГА ХАЙРИХОҲЛИК БИЛДИРАДИ. ШАҲАР ТАШҚАРИСИГА САЙРУ САЁҲАТЛАРГА ЧИҚИШ, ТАБИАТ ҚЎЙНИДА ЯЙРАБ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШ ФОЙДАЛИ БЎЛАДИ. ЯНА БИР МАСЛАҲАТ— ЮРИШМАЙ ТУРГАН ИШЛАРГА БУГУН ҚЎЛ УРМАНГ.

Бугун қурилажак уй пойдеворини кўтариш, таъмирлаш ишларини бошлаб юбориш ёки ҳар қандай ахборот ва соғломлаштириш тадбирига киришиш хайрли бўлиши кутилади. Кечқурунги вақтингизни яқинларингиз ва ўзингиз ёқтирган кишилар даврасида ўтказишга ҳаракат қилинг.

Бугунги тушлар унчалик аҳамиятга молик эмас—кўпинча ўнгингизда уларнинг акси бўлади.

Аввалгидай суяк тизими заиф ҳолатда бўлади. Оёқларингизни толиқтирмаслик учун камроқ юриш тавсия этилади.

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ

28 АПРЕЛДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТДА ИЛК БОР

«ИНТЕР-ЦИРК» ТОМОШАЛАРИ

ФАҚАТ 20 КУН

«ИНТЕР-ЦИРК» ДАСТУРИДАН

Россия, Хитой, Қирғизистон, Украина, Молдова, Мўғулистон, Ўзбекистон пойтахтлари циклари артистларининг чиқишлари ўрин олган.

Томошалар иш кунлари соат 18.00, шанба ва якшанбада 12.00 ва 16.00да бошланади.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-32-23, 144-35-91, 144-35-94.

Кассалар соат 9.00 дан ишлайди.

2006 йилда ишлаб чиқарилган «Матиз» автомашинаси кейинчалик сотиб олиш йўли билан

ИЖАРАГА БЕРИЛАДИ

Т: 111-58-21

Квартира сотиб оламан. Т: 128-62-48

Қисқа вақтга квартира топшираман. Телефонлар: 127-62-48, 128-62-48.

ДУШАНБА, 15

«Ўзбекистон»

15.00 «Таҳлилнома».
15.45 «Йигит кўнгли». Телесериал.
16.50 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Равнак» студияси намойиш этади.
17.45 «Меҳр қолур».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Меҳробдан чаён». Видеофильм. 1-қисм.
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
21.40 Олтин мерос.
22.00 «Йигит кўнгли». Телесериал.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Японияннинг ёввойи табиати».

«Ёшлар»

16.00 Давр.
16.15 Болажон.
16.35 Кино SMS.
